

МАЪНАВИЙ ВОРИСЛИК – миллий-маънавий кадриятлар, урф-о., анъана, ғоялар, тажриба, билимларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши, маъ-ятнинг узлуксиз жараён сифатидаги ўзгарувчанлиги ва авлодлар ўртасида маънавий ришталарнинг узвий боғлиқлигини ифода этадиган т. Бу жараён инсониятнинг тараққиёти давомида тўпланган маънавий бойликларни яхлит ҳолда авлодларга узатиш, кишиларнинг дунёқараши, мад-й савияси, билими ва маън-нинг бойишига хизмат қилади. Турли соҳаларда ворислик механизми ўзига хос тарзда кечади: санъатдаги мезонлар фандагидан, табиий фанлардаги ҳолат гуманитар фанлардагидан фарқланади. Ворислик (мерос) маҳаллий ёки умумдунёвий шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ворисликнинг маҳаллий шаклида мад-тнинг касбий, миллий, этник ва б. жиҳатлари ифодаланса, жамики инсониятнинг маънавий мулкига айланган маънавий бойликларда М.в.нинг умуминсоний шакли намоён бўлади. Мас., қад. Миср эҳромлари, юнон обидалари, Темур ва Темурийлар ёдгорликлари каби моддий ва маънавий мерос намуналари бутун башариятнинг маънавий бойлиги ҳисобланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Аждодларимиз кейинги авлодларга мерос қолдириш учун халқ оғзаки ижоди, санъатнинг барча усулларида кенг фойдаланганлар. Техника ва технологияларнинг тараққий этиши билан М.в.нинг янги самарали усуллари: кино тасвири, магнит лента ёзуви, расмда муҳрлаш, компьютер хотирасига жойлаш ва ҳ.к. вужудга келди. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида маънавий меросни ворисийлик анъаналари асосида авлоддан-авлодга узатиш имкониятлари ижтимоий -иқт-й, сиёсий, ғоявий омиллар билан белгиланган. Мас., собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида турли халқлар, хус-н, халқимиз ҳам ҳақиқий тарихи, миллий ва маънавий меросини ўрганиш, унинг бебаҳо хазинасидан баҳраманд бўлиш, бу маънавий бойликни авлоддан-авлодга безавол ўтказиш, ворисийлик анъаналари асосида авлоддан-авлодга узатиш ҳуқуқ ва имкониятидан маҳрум этилган эди. Бироқ ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам

аждодларимиз ўзлигини, маънавий меросни йўқотмаган, уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга беками-кўст етказиб беришга ҳаракат қилган, авлодлараро ришталарнинг сақланиб қолишига эришган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий кадриятларимиз, тарихимиз, маъ-ятимиз, улуғ аждодларимиз даҳоси билан яратилган бебаҳо моддий ва маънавий бойликларни бойитиш ва кенг тарғиб этиш масаласига доимий аҳамият қаратиб келинмоқда. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой мад-тимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши зарур...». Бу, ўз навбатида, ворисийлик анъаналарининг узлуксизлиги ва бардавомлигини таъминлайди. *Қ.Назаров, М.Сафарбоев, Б.Умаров*